



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI



SOG'LOM TURMUSH TARZI

XALQARO ILMIIY-AMALIY ANJUMAN

HEALTHY LIFESTYLE

INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE

ЗДОРОВЫЙ ОБРАЗ ЖИЗНИ

МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ



17 fevral 2023 yil,
Toshkent sh.




**O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI SOG'LIQNI
SAQLASH VAZIRLIGI**



**TOSHKENT TIBBIYOT
AKADEMIYASI**

**2023 yil 17 fevralda o'tkazilgan
«SOG'LOM TURMUSH TARZI»
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyada
chop etilgan tezislar
TO'PLAMI**



(Tezislarning originalligini tekshirish uchun QR kodni skaner qiling)

АРТЕРИАЛ ГИПЕРТОНИЯ ВА СЕМИЗЛИК БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРНИ НОМЕДИКАМЕНТОЗ ДАВОЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Ярмухамедова Д.З., Нуритдинова Н.Б.

Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент, Ўзбекистон

dilfuza-vop@rambler.ru, nuritdinova.nigora@yandex.com

Маълумки, ҳозирги кунда замонавий тиббиётнинг асосий муаммоларидан бири артериал гипертониядир. Охирги вақтларда артериал гипертоия ва семизликнинг бирга учраши кўп кузатилмоқда. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда бу касалликларнинг кенг тарқалганлиги билан бир қаторда ёшариб бормоқда. Шунинг учун уларни аниқлагандан сўнг тўғри олиб бориш, даолашни назорат қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ишнинг мақсади. Артериал гипертония ва семизлик билан оғриган беморларни даволашда диетотерапия ва жисмоний фаолликни ўрганиш ва самарадорлигини баҳолаш.

Материал ва усуллар. Текширувга 1- II б гипертония касаллиги ва семизлик билан оғриган 144 бемор: 36- 70 ёшли 73 эркак ва 71 аёл олинди. Ўртача тана вазни $99,8 \pm 2,5$ кг ни ташкил қилди. Текширилганда: ТВИ 30 кг/м^2 дан паст беморлар (ортиқча тана вазни) 9,6% эркак ва 11,4% аёлда; ТВИ $30\text{-}34,9 \text{ кг/м}^2$ (I даражали семизлик) 14,7% эркак ва 34% аёлда; ТВИ $35\text{-}40 \text{ кг/м}^2$ дан юқори (II даражали семизлик) - 3% эркак ва 4% аёлда аниқланди. ЖССТ 1997 таснифига кўра ТВИ бўйича семизлик даражалари кўйилди. Артериал қон босими Н.С.Коротков усули бўйича ўлчанди систолик ва диастолик артериал қон босим даражалари аниқланди. Ҳамма беморга Россия кардиологлар илмий жамиятининг экспертлар Комитети томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар асосида диетотерапия буюрилди.

Олинган натижалар. Текширув натижаларига кўра беморларнинг рациони тавсия қилинган рационга нисбатан юқори қлориялиги билан ажралиб туриши аниқланди. Деярли ҳамма эркаклар ва аёлларда рациондаги умумий ёғ миқдори тавсия этилганидан юқорилиги (суткасига 90-100 г ёғ), айниқса ёш эркакларда (137,6 г) ва ўрта ёш аёлларда аёлларда (118,7 г) бу кўрсаткичнинг жуда юқорилиги аниқланди. Бу ҳолатларда рационнинг умумий калорияси ва ТВИ орасида тўғри корреляция аниқланди ($r=0,36$; $p<0,05$). Шунингдек аёлларда рационда тўйинган ёғ кислоталари ва қон зардобдаги умумий холестерин миқдори орасида тўғри корреляция ($r=0,57$; $p<0,01$), эркакларда рационда умумий ёғ миқдори, тўйинган ёғ миқдори ва систолик АҚБ орасида тесқари корреляция ($r^*=-0,4$, $p<0,05$; $r=-0,38$; $p<0,05$) аниқланди. Даволаш фониди систолик АҚБ 21%, диастолик АҚБ 18% пасайди. Диетотерапия таъсирида тана вазнининг редукцияси ортиқча тана вазни ва I даражали семизликда 4,7%, 2 даражали семизликда 6,5% ни ташкил қилди. Эркакларда ва аёлларда жисмоний фаолликнинг ўсиши кузатилди.

Хулоса. Диетотерапия таъсирида кўп беморларда гипертония касаллигининг ижобий динамикаси кузатилди: артериал қон босими пасайди, қон зардобда липид алмашинувининг кўрсаткичлари нормаллашди. Беморларнинг жисмоний фаоллигини ошиши антропометрик кўрсаткичлар тана вазни, ТВИ, бел ва сон айланалари динамикасининг яхшиланишига олиб келди. Жисмоний фаоллик ва диастолик қон босимининг пасайиш даражаси ($r=0,21$; $p<0,05$) орасида тўғри корреляция аниқланди. Артериал қон босимининг мақсадли даражага ($<140/90$ мм.сим.уст.) пасайиши 84% беморда кузатилди.

Тиллаева Ш.О. Гигиеническая оценка полового развития пловчих-спортсменок	159
Хайитов И.Б. Эхинококкоз печени и сопутствующая патология: проблемы	161
Хайитов И.Б. Эхинококкоз печени: тактико-технические особенности	162
Хасанова М.А., Холматова К.И. Использование фитагглютинационный метод в судебно-медицинской экспертизе спермы	163
Хатира Новруз гызы Халафли. Эффективность санитарной агитации по усвояемости эпидемиологически значимых мер профилактики гельминтозов	164
Шукурджанова С.М., Нуритдинова Н.Б., Абдукадиров А.М. Улучшение приверженности к лечению у пациентов с ишемической болезнью сердца и артериальной гипертензией	166
Юлчиева С.Т., Расулов Ф.Х., Тешабоев А.М., Борецкая А.С. Влияние растительных препаратов на функциональную активность антигенспецифических цитотоксических Т-лимфоцитов	167
Яриев А.А. Влияние ассоциации полиморфизмов rs1799750 гена MMP1 и rs2276109 гена MMP-12 на развитие варикозной болезни нижних конечностей и ее тромботических осложнений	168
Яриев А.А. Связь полиморфизмов генов $\text{tgf-}\beta 1$ и mthfr с развитием варикозной болезни и её тромботических осложнений	169
Ярмухамедова Д.З., Нуритдинова Н.Б. Артериал гипертония ва семизлик билан оғриган беморларни номедикаментоз даволашнинг самарадорлиги	170